



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИДА АГРОТУРИЗМ ФАОЛИЯТИНИ СТРАТЕГИК БОШҚАРИШДА ҲУДУДЛАРНИ ЗОНАЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мирзаев Абдуллажон Топилович

*Фарғона давлат университети "Иқтисодиёт ва сервис" кафедраси
мудури, иқтисодиёт фанлари доктори, доцент. abdubehr@mail.ru*

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss4/a12

Аннотация

Мақолада Фарғона вилоятида агротуризм фаолиятини стратегик бошқаришда ҳудудларни зоналаштириш масалалари тадқиқ этилган. Турли тадқиқотлар натижаларини ўзида акс эттирган хорижий ҳамда маҳаллий олимларнинг агротуризм фаолияти ва у билан боғлиқ айрим тушунчалари келтирилган ҳамда муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган. Фарғона вилояти ҳудудлари бўйича аниқланган умумий салоҳият кўрсаткичларини интеграллаштириш асосида 19 та ҳудуд бўйича агротуризм фаолиятини ривожлантириш имкониятини баҳоловчи интеграл кўрсаткичлар аниқланди. Аниқланган интеграл кўрсаткичларни гуруҳлаш мақсадида Стержесс формуласи ёрдамида ҳудудлар агротуризм фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан 4 та зонага ажратилиши белгиланди.

Калит сўзлар: туризм, агротуризм, қишлоқ туризми, экологик туризм, яшил туризм, агротуризм фаолияти, мақсадли дастурлар, Давлат хусусий шерикчилик механизми, "истиқболли" зона.

Мирзаев Абдуллажон Топилович

Заведующий кафедрой «Экономика и сервис» Ферганского государственного университета, доктор экономических наук, доцент

Абстрактный

В статье исследуются вопросы зонирования территорий в стратегическом управлении агротуристической деятельностью в Ферганской области. Представлена деятельность агротуризма и некоторые связанные с ней концепции зарубежных и отечественных ученых, отражающие результаты различных исследований, а также разработано определение авторства. На основе интеграции показателей совокупного потенциала, определенных по регионам Ферганской области, выделены интегральные показатели, оценивающие возможность развития агротуристической деятельности в 19 регионах. Для группировки выявленных интегральных показателей по формуле Стерджесса установлено, что регионы разделены на 4 зоны по уровню развития агротуристической деятельности.

Ключевые слова: туризм, агротуризм, сельский туризм, экологический туризм, зеленый туризм, агротуристическая деятельность, целевые программы, механизм государственно-частного партнерства, «перспективная» зона.

Mirzaev Abdullajon Topilovich

Head of the Department of Economics and Service, Fergana State University, Doctor of Economics, Associate Professor

Abstract

The article explores the issues of zoning areas in the strategic management of agrotourism activities in the Fergana region. The activities of agrotourism and some related concepts of foreign and domestic scientists, reflecting the results of various studies, were presented, and the definition of authorship was developed. Based on the integration of the indicators of total potential determined by the regions of the Fergana region, integral indicators were identified that assess the possibility of developing agrotourism activities in 19 regions. In order to group the identified integral indicators, using the Sterjess formula, it was established that the regions are divided into 4 zones in terms of the development of agrotourism activities.

Keywords: tourism, agrotourism, rural tourism, ecological tourism, green tourism, agrotourism activities, targeted programs, public private partnership mechanism, “promising” zone.

Кириш

Жаҳонда ҳозирги давр реал сектор тармоқларидаги йўқотишларни туризмнинг боғлиқ бўлган фаолиятлари билан интеграциялаш орқали камайтириш, туризм соҳаси таркибидаги истиқболли фаолият йўналишларини ривожлантириш асосида унинг ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи хизматлар ҳажмидаги улушини ошириш, янги ва истиқболли туристик фаолият йўналишларини ташкил этиш ҳисобига ҳудудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш ҳамда соҳа корхоналарида бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан, юқори ресурс салоҳиятига эга ҳудудларда агротуризм фаолиятини мустақил тузилма сифатида шакллантириш, ҳудудларда агротуризм фаолиятини стратегик дастурлар асосида ривожлантириш, ҳудудий агротуристтик ресурс салоҳиятини баҳолаш, фаолият тузилмаларида бошқарув механизмларини такомиллаштириш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Тараққиётнинг бугунги босқичида жаҳон миқёсида ижтимоий-иқтисодий тизимларда юз бераётган ўзгаришлар алоҳида тармоқларнинг ривожланиши бевосита ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) жараёни бир вақтнинг ўзида хизматлашув билан боғлиқ ҳолдаги таркибий ўзгаришларга юз тутаётганлигини кўрсатмоқда. Ана шундай тармоқлардан бири – қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва улар асосида аҳолининг бирламчи эҳтиёжларини қондирувчи зарурий маҳсулотлар (озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқалар) ишлаб чиқарувчи агросаноат тармоқлари ҳисобланади. Юз бераётган ўзгаришлар, бир томондан, агросаноат тармоқлари фаолиятини иқтисодий жиҳатдан самарали фаолиятини таъминлашга қаратилган бўлса, иккинчи томондан, қишлоқ ҳудудларининг ижтимоий тараққиёти (шаҳарлашув даражаси, инфратузилма ривожланиши, аҳоли турмуш даражаси, демографик ҳолат барқарорлиги ва бошқалар)ни таъминлашни назарда тутади.

Ижтимоий-иқтисодий тизимларда юз бераётган таркибий ўзгаришларнинг асосий қисми ушбу тизимлардаги талаб ва эҳтиёж билан боғлиқ ҳолдаги интеграция жараёнларининг янги кўриниши сифатида изоҳланиб, бу ўзгаришлар натижасида ижтимоий ва иқтисодий эҳтиёжларнинг тўлароқ ҳамда самарали қондирилиши юз беради[1]. Ривожланаётган мамлакатларнинг қишлоқ ҳудудларида аҳоли оқимининг йирик шаҳарларга “кўчиш” тенденцияси ҳам аграр соҳа ва қишлоқ ҳудудлари билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг янги асосга ўтказилишини талаб қилмоқда. Қишлоқ ҳудудларида амалга ошириладиган агросаноат мажмуаси таркибидаги

иқтисодий фаолият корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариши билан бирга ҳудудларнинг ижтимоий ривожланишида ҳам муҳим ўрин тутди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хизмат кўрсатиш ва туризм соҳасини ривожлантириш муаммолари ва истиқболларига бағишланган тадқиқотларнинг таҳлили турли муаллифлар томонидан агротуризм ва унинг моҳияти билан боғлиқ маълум тушунчаларнинг жуда зиддиятли талқинларини очиб беради. Бу, айниқса, агротуризмни ўз ичига олган туристик фаолиятнинг янги йўналишлари учун тўғри келади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда агротуризм фаолиятини ривожлантириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар нисбатан кам, бироқ, бу илмий адабиётларда уларда берилган асосий тушунчаларнинг таърифларини қиёсий таҳлил қилишда кўплаб тафовутлар ҳам мавжуд.

“Агротуризм”, “қишлоқ туризми”, “қишлоқ хўжалиги туризми”, “экологик туризм” ҳамда “яшил туризм” тушунчаларининг моҳиятига асосий ёндашувларни кўриб чиқамиз.

Н.Володиннинг тадқиқотларида “қишлоқ туризми” ва “агротуризм” категорияларини синоним, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, агротуризм дам олиш ёки қишлоқ хўжалиги ишларида иштирок этиш мақсадида туристларнинг қишлоқ жойларида вақтинча бўлишини ўз ичига олади[2].

А.Барлибаев ва Г.Насировлар агротуризмни қишлоқ жойларида ёки кичик шаҳарларда сайёҳларнинг дам олишини ташкил этиш, шу жумладан, хусусий секторда меҳнат иштироки имконияти билан турар-жой хизматларини кўрсатиш ва табиий, маданий-тарихий, ижтимоий-этнографик воситалардан фойдаланишга йўналтирилган фаолият тури сифатида тушунишади[3].

Бошқа ёндашувга кўра, агротуризм ва экологик туризм қишлоқ туризмнинг йўналишлари ҳисобланади. Тадқиқотчилар В.Чайка ва А.Исаевлар қишлоқ туризмни туризм индустриясининг комплекс туристик маҳсулотни яратиш учун қишлоқ жойларининг табиий, маданий, тарихий, ижтимоий ва бошқа ресурсларидан фойдаланадиган соҳаси, деб ҳисоблайдилар[4].

Қишлоқ туризми, агротуризм ва экотуризмнинг нисбати бўйича бошқа ёндашувлар ҳам мавжуд. З.Камилова ва С.Лаипановларнинг ёндашувига кўра, агротуризм – экологик туризмнинг йўналиши бўлиб, хўжалик ёки маиший хўжалик асосида одамларнинг дам олишини таъминлайди [5]. Шу билан бирга, ушбу муаллифлар экологик туризмни табиий комплексларга зарар етказмайдиган, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ёрдам берадиган ва маҳаллий аҳоли фаровонлигини оширишга ҳисса қўшадиган, табиат билан алоқа қилиш асосидаги туризм тури, деб ҳисоблашади.

Юқорида кўриб чиқилган ёндашувларни умумлаштириб, агротуризмга қўйидагича таъриф бериш мумкин: “ ... агротуризм – бу дам олиш, қишлоқ хўжалиги меҳнатида иштирок этиш, табиат билан алоқа қилиш, табиий, тарихий ва маданий ҳудудлар билан танишиш мақсадида қишлоқ жойларида сайёҳларнинг вақтинча бўлишини ўз ичига олган туристик фаолият йўналиши” [6].

Бизнинг фикримизча, агротуризм қишлоқ туризмнинг йўналиши бўлиб, у сайёҳларнинг дам олиш мақсадида қишлоқ жойларида бўлишлари билан боғлиқ ва

дам олувчиларнинг қишлоқ хўжалиги меҳнатида иштирок этиши ва уларнинг қишлоқ аҳолиси маданияти ва ҳаёти билан танишишини ўз ичига олади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда Фарғона вилоятида агротуризм фаолиятини стратегик бошқаришда ҳудудларни зоналаштириш монографик тадқиқот асосида назарий жиҳатдан кенг ўрганиб чиқилди. Фарғона вилоятидаги мавжуд 19 та маъмурий-ҳудудий бирлик юқоридаги жадвалда келтирилган услубиёт асосида таҳлил қилинди ва ҳудудларнинг агротуризм фаолиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд шарт-шароитлари ҳамда ресурс салоҳияти баҳоланди. Ҳудудларнинг ҳар бири бўйича аниқланган умумий салоҳият кўрсаткичларини интеграллаштириш асосида 19 та ҳудуд бўйича агротуризм фаолиятини ривожлантириш имкониятини баҳоловчи интеграл кўрсаткичлар аниқланди. Аниқланган интеграл кўрсаткичларни гуруҳлаш мақсадида Стержесс формуласи ёрдамида ҳудудлар агротуризм фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан 4 та зонага ажратилиши белгиланди.

Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тадқиқот методологияси сифатида илмий абстракция, тизимли таҳлил, таҳлил ва синтез усулларида фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Фарғона вилоятида агротуризм фаолиятини ривожлантиришда амалга оширилиши белгиланган ҳаракатлар дастурида фаолиятни ҳудудий зоналаштирган ҳолда чора-тадбирларни амалга ошириш яхши самара беради. Вилоятни ҳудудий зоналаштириш мавжуд 19 та маъмурий-ҳудудий бирликларнинг агротуризм фаолиятини ташкил этиш имкониятлари ҳамда уларда мавжуд агротуристтик ресурс салоҳиятини баҳолаш асосида амалга оширилиши керак. Ҳудудларда агротуризм фаолиятини стратегик режалаштиришда мавжуд шарт-шароитлар ҳамда ресурс салоҳиятини баҳолаш аниқ асосланган ва реал баҳолаш имконини берувчи баҳолаш услубиётдан фойдаланишни талаб қилади.

Агротуризм фаолиятини ривожлантиришнинг ҳудудий стратегиясини ишлаб чиқишда услубий ёндашув қуйидаги қоидаларни ўз ичига олиши мақсадга мувофиқ:

- фаолият ривожлантирилиши белгиланган ҳудудда агротуризм фаолиятини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тамойиллари (изчиллик, очиқлик, шериклик, мавжудлик, ҳудудни мувозанатли ривожлантириш, самарадорлик ва эквивалентлик, интеграция, стратегиянинг барқарор ривожланиш тамойилларидан фойдаланиш соҳасидаги илғор ёндашувлар ва амалиётларга мувофиқлиги, миллий туризм сиёсати, туристик маҳсулотга йўналтирилган ёндашувдан фойдаланиш);

- стратегияни ишлаб чиқиш алгоритми, унинг ҳудудий инвестицион жозибadorлиги даражасига қараб агротуризм фаолиятини ривожлантириш мазмуни;

- стратегиянинг концептуал мазмуни амалга оширилиши белгиланган ҳаракатлар кетма-кетлиги ва уларни тузиш учун қўлланиладиган услубий талабларни, шу жумладан, ҳудуддаги агротуризм субъектларининг имкониятларини асослашни аниқлашга имкон бериши;

- ҳудудда агротуризм фаолиятини ривожлантириш жараёнининг барқарорлигини тасдиқловчи кўрсаткичлар тизими (агротуризм фаолиятини бошқариш, туристик маҳсулот таркибидаги қўшилган қиймат, ижтимоий-маданий таъсир ва атроф-муҳитга таъсир);

- ҳудуднинг туристик жозибадорлигининг асосий омилларини баҳолашга имкон берадиган агротуризм фаолиятини ривожлантириш учун ҳудудий жозибадорликни баҳолаш услугиёти.

Фарғона вилоятидаги мавжуд 19 та маъмурий-ҳудудий бирлик юқоридаги жадвалда келтирилган услугиёт асосида таҳлил қилинди ва ҳудудларнинг агротуризм фаолиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд шарт-шароитлари ҳамда ресурс салоҳияти баҳоланди. Ҳудудларнинг ҳар бири бўйича аниқланган умумий салоҳият кўрсаткичларини интеграллаштириш асосида 19 та ҳудуд бўйича агротуризм фаолиятини ривожлантириш имкониятини баҳоловчи интеграл кўрсаткичлар аниқланди. Аниқланган интеграл кўрсаткичларни гуруҳлаш мақсадида Стержесс формуласи ёрдамида ҳудудлар агротуризм фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан 4 та зонага ажратилиши белгиланди.

Белгиланган зоналар ўз моҳиятига кўра агротуризм фаолиятини ривожлантириш имконияти юқори бўлган зонадан имконият пасайиб борувчи тартибда белгиланиб, интервал оралиғида бўлган шаҳар ва туманлар интеграл кўрсаткичларнинг тегишлилиги бўйича ҳамда сўнгги йилларда ҳудудий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ҳажмининг ўсиш даражасини кўрсатувчи статистик маълумотлар асосида зоналарга киритилди.


Биринчи гуруҳ, яъни агротуризм фаолиятини ривожлантириш “истиқболли” деб баҳоланган зонага вилоятнинг Олтиариқ, Қўштепа, Қува, Учкўприк, Риштон ва Фарғона туманлари тегишли бўлиб, ушбу ҳудудларда агротуризм фаолиятини ривожлантириш учун зарурий даражадаги шарт-шароитлар ҳамда ресурс компонентлари мавжуд.

Иккинчи гуруҳ – агротуризм фаолиятини ривожлантириш учун шароитлар “барқарор” бўлган зонага Қувасой шаҳри, Боғдод, Бешариқ, Тошлоқ ва Ўзбекистон туманлари тегишли бўлиб, ушбу ҳудудларда фаолиятни ривожлантириш учун зарурий шароитлар мавжуд бўлса-да, ресурс компонентларидан фойдаланиш даражаси етарли эмас. Бироқ ресурс салоҳиятидан фойдаланишни тизимлаштириш орқали ушбу ҳудудларда агротуризм фаолиятини жадал ривожлантириш имкониятлари мавжуд.

Учинчи гуруҳ – “ривожланиш имкониятига эга” бўлган зонага агротуризм фаолиятини ривожлантириш учун зарурий инфратузилма қисман шаклланган, ресурс салоҳияти етарли даражада бўлган, бироқ мавжуд шарт-шароитлар тизимлашмаган Бувайда, Данғара, Фурқат ва Ёзёвон туманлари тегишли. Бу гуруҳга тегишли ҳудудларда агротуризм фаолияти келгуси даврда зарурий функционал боғланишларни таъминлаган ҳолда жадал ривожланиши мумкин.

Тўртинчи гуруҳ – қишлоқ хўжалиги тармоғи яхши ривожланиши учун ресурс салоҳияти етарли бўлмаган, шу билан бирга, табиий-географик жойлашуви агротуризм фаолияти ривожланиши учун қулай бўлмаган “истиқболсиз” ҳудудларга вилоятнинг Фарғона, Қўқон ва Марғилон шаҳарлари ҳамда анклав ҳудуд ҳисобланган Сўх туманлари киритилди. Ушбу ҳудудлардан шаҳар ҳудудларида агротуризм фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитлар мавжуд эмаслиги сабабли уларнинг аҳолисини агротуризм хизматлари истеъмолчилари сифатида ресурс салоҳияти юқори бўлган ҳудудларга жалб этиш мақсадга мувофиқ.

Агротуризм фаолиятини дастлаб 1-зонага кирган ҳудудларда махсус ижтимоий-иқтисодий тажриба лойиҳалари шаклида жорий этиш туристик фаолиятнинг янги шаклини амалиётда қанчалик даражада иқтисодий жиҳатдан оқлашини аниқроқ баҳолаш имконини беради (1-расм).



1- расм. Агротуризм фаолиятини ривожлантириш “истиқболли” ҳисобланган ҳудудларда амалга оширилиши мумкин бўлган махсус ижтимоий-иқтисодий тажриба лойиҳалари йўналишлари ва уларни молиялаштириш шакллари¹

Қишлоқ ҳудудларида агротуризм фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган махсус ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларнинг асосий мақсади – қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида бой тажрибага эга, яшаш учун қулай бўлган қишлоқ ҳудудининг қиёфасини шакллантириш; қишлоқ хўжалигининг замонавий ишлаб чиқариш йўналишида ривожлантириш; туристларнинг бевосита аграр ишлаб чиқариш жараёнидаги иштирокини таъминлаш; қишлоқ ҳудудларининг анъана ва қадриятларини оммалаштириш; қишлоқ аҳолиси учун иш жойларини сақлаш ва яратиш, уларни даромад билан таъминлаш; агротуризм фаолияти учун ижтимоий, алоқа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини яратиш орқали қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришдан иборат бўлади.

Таклиф этилаётган махсус лойиҳаларни қишлоқ ҳудудларида “агротоморқа”, “Ёшлар ижтимоий агротуриزمи”, “Замонавий қишлоқ бизнеси” ва “Бунёдкор қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” йўналишларида ташкил этиш тавсия этилади ва ушбу лойиҳаларни молиялаштиришни аралаш шаклда, яъни хусусий, давлат ва турли жамғармаларнинг маблағлари ҳисобидан аралаш шаклда амалга ошириш яхши самара беради.

Кўрсатиб ўтилган фаолиятни дастлабки ташкил этиш ва ривожлантириш босқичида тизимни давлат ҳамда бозор тузилмалари томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш усули мавжуд бўлмаса, фаолиятни мустақил тизим сифатида шакллантириш ва ривожлантириш анча қийинчиликлар туғдиради. Шу нуқтаи назардан, тадқиқот жараёнида ҳудудларда агротуризм фаолиятини ривожлантиришнинг дастлабки босқичида қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Юқорида алоҳида ҳудудларда агротуризм фаолиятини ривожлантиришнинг концептуал асосларини шакллантириш асосида стратегик йўналишларни зоналаштирган ҳолда белгилаш ва амалга ошириш етарли шарт-шароитлар ва ресурс салоҳиятига эга ҳудудларда агротуризм фаолиятини мустақил фаолият тизими сифатида шакллантириш ва ривожлантириш имконини беради.

Тадқиқот жараёнида мамлакатимизнинг агротуризм фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш учун етарли шарт-шароитларга ва ресурс салоҳиятига эга бўлган Фарғона вилоятида агротуризм фаолиятини стратегик ривожлантириш йўналишида ишлаб чиқилган натижаларни амалиётда қўлланилиши вилоятнинг “истиқболли” зоналарига тегишли бўлган ҳудудларида фаолиятни мустақил тизим сифатида шакллантириш ва ривожлантириш мумкинлигини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар

Юқорида белгиланган вазифалар ва амалий натижалар асосида қуйидаги таклиф ва тавсиялар берилди:

- Агротуризм фаолияти қишлоқ хўжалиги соҳасининг ёндош тармоғи бўлиб, қишлоқ аҳолиси ва жалб қилинган мижозларни дам олиш элементлари билан фуқароларнинг асосий ишлаб чиқариш ва шахсий даромадлари ҳажмини ошириш учун иш билан таъминлайди. Рекреация деганда, инсон томонидан меҳнат жараёнида сарфланган салоҳиятни дам олиш, соғломлаштириш орқали тиклаш тушунилади;

- Қишлоқ ҳудудларида ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида иштирок этиш билан дам олиш орқали аҳолининг жисмоний ва маънавий жиҳатдан саломатлигини тиклаш, алоҳида ҳудудларнинг агротуристтик имиджини шакллантирган ҳолда ушбу фаолият тури аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳим ўрин тутди. Агротуризм фаолиятини ҳудудий жиҳатдан ташкил этиш ва бошқариш туризм соҳасини ривожлантиришда устувор аҳамият касб этади.;

- Агротуризм фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш жараёнларига ёндашувлар назарий ва амалий хусусиятларга эга бўлган бир қатор тизим самараларини олиш учун агротуризмнинг энг муҳим сегментларини оптималлаштиришга имкон беради, шунингдек, уларнинг ривожланишини динамик жиҳатдан тасаввур қилишга ва таркибий элементларни функционал мақсадларга мувофиқ тузишга имкон беради;

- Фарғона вилоятидаги мавжуд 19 та маъмурий-ҳудудий бирлик мавжуд услубиётлар асосида таҳлил қилинди ва ҳудудларнинг агротуризм фаолиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд шарт-шароитлари ҳамда ресурс салоҳияти баҳоланди. Ҳудудларнинг ҳар бири бўйича аниқланган умумий салоҳият кўрсаткичларини интеграллаштириш асосида 19 та ҳудуд бўйича агротуризм фаолиятини ривожлантириш имкониятини баҳоловчи интеграл кўрсаткичлар аниқланди. Аниқланган интеграл кўрсаткичларни гуруҳлаш мақсадида Стержесс

формуласи ёрдамида ҳудудлар агротуризм фаолиятини ривожлантириш нуқтаи назаридан 4 та зонага ажратилиши белгиланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). – Самарқанд: СамИСИ, 2019. –287 б.
2. Володин Н. Аграрный туризм — это полноценный отдых на родной земле II Сайт Калужской областной газеты «Знамя» [Электронный ресурс]. URL: <http://znamkaluga.ru/content/view/2262/2/> (дата обращения 12.10.2012).
3. Барлыбаев А.Агротуризм в Башкортостане / А.Барлыбаев, Г.Насыров // Экономика сельского хозяйства. -93.
4. Чайка В. Сельский туризм в устойчивом развитии сельских территорий / В. Чайка, А. Исаев // Экономика сельского хозяйства России. 2010. №11. С. 23-25.
5. Камилова З. Агротуризм — альтернативный путь развития сельских территорий / З. Камилова, С. Лайпанов //-39., 2008.
6. Mirzaev, A. T. (2020). Assessment of cluster formation in management of recreational activity. ISJ Theoretical & Applied Science, 04 (84), 605-610. <https://dx.doi.org/10.15863/TAS.2020.04.84.101>
7. Mirzaev, A.T (2018) "The level of use of tourist attractions in the regions and the factors affecting them," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2018: No.3,Article19.Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2018/iss3/19>
8. Мирзаев А.Т. Совершенствование интегральной оценки механизма рекреационно-туристических объектов // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. №2. С. 127-134. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/39/17>
9. Мирзаев А.Т. Оценка использования рекреационных возможностей на рынке туристических услуг // Региональная экономика: теория и практика. – 2019. – Т. 17, № 5. – С. 990 – 1002. <https://doi.org/10.24891/re.17.5.990>.
10. Мирзаев, А. Т. Эффективные методы управления и государственной поддержки туристско-рекреационной сферы в узбекистане. *Наука сегодня: опыт, традиции, инновации [Текст]: материалы*, 41.
11. Mirzaev A. T. Estimation of the prospects for the use of recreational facilities in the market of tourism services //Наука сегодня: вызовы, перспективы и возможности [Текст]. – 2018. – С. 76.
12. Mirzaev A. T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis // *EPR International Journal of Research and Development (IJRD)*. – 2020. – pp.131-137. <https://doi.org/10.36713/epra4790>.
13. Мирзаев А. Т. Совершенствование системы электронного бронирования как часть цифрования управленческой деятельности туристско-рекреационных предприятий // Бюллетень науки и практики. 2020.Т.6.№8. С.165-172. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/57/14>
14. Мирзаев А. Т. Туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим [Текст]. 2019. №6. 194-199 б.
15. Мирзаев А. Т. Туристик хизматлар бозорида рекреацион туризм хизматларига талабнинг ўзгаришлар таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим [Текст]. 2019. №1. 214-219 б.
16. Мирзаев А. Т. Туристик-рекреация объектлари кластерларини шакллантириш механизмларини баҳолаш // Иқтисодиёт ва таълим [Текст]. 2018. №6. 207-213 б.